

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2016 йил 5декабрь -10декабрғача)**

№13

Тошкент – 2016

Марказий сайлов комиссияси Президент сайловининг жорий яқунларини эълон қилди

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Президент сайловида овоз беришнинг жорий яқунларини эълон қилди.

4 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 20 да Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларида овоз бериш яқунланди. Ўзбекистон Республикасининг Миср, Европа давлатлари ва Америка Қўшма Штатларидаги ваколатхоналари хузурида ташкил этилган сайлов участкаларида овоз бериш жараёни давом этмоқда.

Дастлабки маълумотларга кўра, сайловда 17 миллион 941 минг нафардан зиёд сайловчи иштирок этди. Бу жами сайловчиларнинг 87,83 фоиздан ортиғини ташкил этади.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида халқаро кузатувчилар, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда шу ҳақда маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларда мустаҳкамланган халқаро демократик меъёр ҳамда тамойилларга риоя этилган ҳолда очиқ ва ошкора ўтгани таъкидланди.

Мамлакатимиз фуқаролари сайловда юксак сиёсий ва фуқаролик фаоллигини намойиш этди. Соат 11 га қадар сайловчиларнинг 33 фоизидан ортиғи овоз беришда иштирок этгани бунинг яққол тасдиғидир.

Айни пайтда сайлов участкаларида ҳар бир номзод учун берилган овозлар санаб чиқилмоқда. Сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда сиёсий партиялардан 37 мингдан зиёд кузатувчи, халқаро кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқда.

Сайлов давомида жойлардан сайлов қонунчилиги бузилиши ҳақида хабар келиб тушмади.

5 декабрь куни соат 16 да бўлиб ўтадиган брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижалари эълон қилинади. Шу куни халқаро кузатувчилар миссиялари ҳам матбуот анжуманлари ўтказади.

Тошкент вақти билан соат 17.00 га қадар сайловда 15 миллион 730 минг нафардан зиёд фуқаро иштирок этди

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида овоз бериш жараёни давом этмоқда. Тошкент вақти билан соат 17.00 га қадар сайловда 15 миллион 730 минг нафардан зиёд фуқаро иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 77 фоизини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида халқаро кузатувчилар, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда шу ҳақда маълум қилинди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикасининг Япония, Корея Республикаси, Хитой, Малайзия, Сингапурдаги ваколатхоналари ҳузурида ташкил этилган сайлов участкаларида овоз бериш жараёни яқунланганини маълум қилди. Мамлакатимизнинг Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон, Кувайт, Саудия Арабистони, Миср, Покистон, Россия, шунингдек, Европа ва қўшни давлатлардаги ваколатхоналарида ташкил этилган сайлов участкаларида овоз бериш жараёни давом этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги ваколатхоналари ҳузурида ташкил этилган сайлов участкалари ҳам очилди.

Мамлакатимиздаги ҳар бир сайлов участкасида овоз бериш жараёнини халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар кузатувчилари, сиёсий партияларнинг кузатувчилари мониторинг қилиб бормоқда. Сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида” ги ва бошқа қонунларда мустаҳкамланган демократик принципларга мувофиқ равишда ўтмоқда. Ҳозирга қадар Марказий сайлов комиссиясига жойлардан сайловни ўтказиш жараёнида сайловга доир қонунчилик талаблари бузилиши юзасидан хабар ва маълумотлар келиб тушмади.

Ўзбекистон Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев сайловда овоз берди

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 4 декабрь куни овоз бериш учун Тошкент шаҳридаги 132-сайлов участкасига ташриф буюрди.

Президент сайлови мамлакатимизнинг бугуни ва келажаги учун муҳим сиёсий воқеадир. Буни чуқур ҳис этган ватандошларимиз сайловда фаол иштирок этди. Ҳар бир сайловчи хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб, ўзининг ва халқимизнинг фаровонлиги, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, Ватанимизнинг буюк келажаги учун овоз берди.

Ўзбекистон Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов сайловда овоз берди

Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов пойтахтмизнинг Олмазор туманидаги 282-сайлов участкасига овоз бериш учун келди.

Ўзбекистон Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов сайловда овоз берди

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов 4 декабрь куни Тошкент шаҳридаги 584-сайлов участкасида овоз берди.

Ўзбекистон Президентлигига номзод Наримон Умаров сайловда овоз берди.

Ўзбекистон Президентлигига номзод Наримон Умаров сайловда овоз берди

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 4 декабрь куни Тошкент шаҳридаги 550-сайлов участкасида овоз берди.

Президент сайловида овоз берганлар 72,03 фоиздан ошди
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича соат 6.00 да бошланган овоз бериш жараёни ҳақидаги маълумотлар онлайн режимида келиб тушмоқда.

Соат 16.00 гача сайловчилар рўйхатига киритилган 20 миллион 428 минг 891 сайловчиларнинг 72,03 фоиздан ортиғи овоз бериб бўлди.

Марказий сайлов комиссияси сайловнинг дастлабки натижаларини эълон қилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида ўтказилган брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижалари тўғрисида маълумот берилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов 2016 йилнинг 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови миллий сайлов конунчилиги ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган демократик принциплари асосида очиқ ва ошқора ўтказилганини таъкидлади.

– Президент сайловининг тарихий ва сиёсий аҳамиятини чуқур тушунган кўпмиллатли Ўзбекистон халқи яна бир бор ўзининг Ватанимиз тақдирига дахлдорлик туйғусини, гражданлик позициясини намойиш этиб, овоз беришда юксак сиёсий фаоллик билан иштирок этди, – деди Марказий сайлов комиссияси раиси.

Сайловчилар рўйхатига киритилган 20 миллион 461 минг 805 нафар сайловчининг 17 миллион 951 минг 667 нафари овоз беришда иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 87,73 фоизини ташкил этади. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига мувофиқ бу Президент сайлови ўтганлигидан далолат беради.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини бешта халқаро ташкилот – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, 46 давлатдан 600 га яқин кузатувчи кузатиб борди.

Сайловда иштирок этган тўртта сиёсий партиянинг 37 мингдан зиёд вакили ҳам овоз бериш ҳамда овозларни санаб чиқиш жараёнини кузатиб борди. Сайлов комиссиялари томонидан уларнинг фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратиб берилди.

Сайлов жараёнини мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 1 минг 400 нафардан зиёд вакили кенг ёритмоқда.

Овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнида сайловга оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилгани ҳақида Марказий сайлов комиссиясига сайловчилар, сиёсий партиялар кузатувчилари, халқаро ва хорижий кузатувчиларидан мурожаатлар келиб тушмаган.

Марказий сайлов комиссияси раиси кеча, яъни 4 декабрь куни овоз бериш якунлангач, сайлов участкаларида Президентликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг кузатувчилари, халқаро кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари кузатуви остида ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқиш ишлари бошланиб, бу жараён охирига етганича танаффуссиз давом эттирилганини маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига кўра, **Сарвар Садуллаевич Отамуратовга 421 минг 55 нафар ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 2,35 фоизи, Шавкат Мирзиёевга 15 миллион 906 минг 724 фуқаро ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоизи, Хатамжон Абдурахмонович Кетмоновга 669 минг 187 фуқаро ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,73 фоизи, Наримон Мажидович Умаровга 619 минг 972 фуқаро ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,46 фоизи овоз берган.**

Шундай қилиб, 2016 йил 4 декабрь куни ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Мирзиёев ғалаба қозонди.

Брифингда айна пайтда Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган протокол ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқаётгани маълум қилинди. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, ушбу ҳужжатлар, зарур бўлса, айрим участка сайлов комиссиялари материалларини Марказий сайлов комиссияси яна бир марта синчиклаб текширади ва шундан сўнг сайлов натижаси бўйича қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари тўғрисидаги ахборот сайловдан кейин ўн кундан кечиктирилмай, яъни 2016 йил 14 декабргача Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевга Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиндан табрик мактуби келди. Унда шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сайловдаги ишончли ғалабангиз Сизнинг ватандошларингиз орасида обрў-эътиборингиз баландлигидан, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб вазифаларини ҳал этишдаги хизматларингиз юксак эътироф этилганидан далолатдир.

Россияда Сизни давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришнинг доимий тарафдори, деб биладилар. Ишончим комилки, биз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчиликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаб, минтақавий ва халқаро масалаларда конструктив ҳамкорликни янада кенгайтирамыз. Бу мамлакатларимиз халқларининг туб манфаатларига мос келади, Марказий Осиёда ва бутун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги маконида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш имконини беради.

Муҳтарам Шавкат Миромонович, Сизга чин қалбимдан мустаҳкам соғлик, фаровонлик ва давлат раҳбари сифатидаги ғоят масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни ўзингиз учун қулай вақтда Россияга ташриф буюришингизни таклиф қиламан.

Эҳтиром билан,

**Владимир Путин,
Россия Федерацияси Президенти**

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Хитой Ҳукумати ва халқи, шунингдек, шахсан ўз номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табриклайман. Сиз Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов бошлаб берган йўлни давом эттиришингиз ва ривожлантиришингиз, давлат қурилиши соҳасида янги муваффақиятларга эришишингизга ишонаман. Хитой билан Ўзбекистон самимий ва бир-бирига ишонадиган яқин қўшни, қалин дўст ва ишончли шериклардир. Сиёсий ишонч, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шериклик алоқалари мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган кундан бошлаб муваффақиятли ривожланмоқда. Жорий йилда икки томонлама муносабатларнинг ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилгани Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги серқирра ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун янада кенг имкониятлар очиб берди.

Мен Хитой – Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаман, Сиз билан яқин ҳамкорликда Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, мамлакатларимиз ва халқларимиз келажаги учун янги йўللار очиш борасида биргаликда саъй-ҳаракатлар қилишга тайёрман. Сизга давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар ва мустаҳкам соғлиқ тилайман.

Ўзбекистонга равнақ, куч-қудрат, халқингизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

**Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси Раиси**

**Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва бир-бирини тушунишга асосланган юксак даражадаги қардошлик муносабатлари мамлакатларимизнинг халқларимиз фаровонлиги йўлидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий, маданий-гуманитар ва бошқа йўналишларда ўрнатилган самарали ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини тўлиқ тасдиқлайди.

Муҳтарам Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлиқ, куч-қувват, қардош Ўзбекистон халқининг тинчлиги, фаровонлиги ва тараққиёти учун олий давлат лавозимида улкан муваффақиятлар тилайман.

Эҳтиром ила,

**Гурбангули Бердимухамедов,
Туркманистон Президенти**

**Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Қозоғистон халқи ва шахсан ўз номидан Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишончли ғалаба қозонганингиз билан самимий табриклайман.

Ишончим комилки, бўлиб ўтган сайлов натижалари Ўзбекистон халқининг фуқаролар фаровонлигини ва халқаро майдонда мамлакат нуфузини янада ошириш борасида Сиз амалга ошираётган ишларга ишониши ва қўллаб-қувватлашидан далолат беради. Сизнинг Президент этиб сайланишингиз билан қардош Ўзбекистонда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган кенг кўламли ўзгаришлар давом эттирилишига аминман.

Қозоғистон минтақа давлатлари билан дўстона муносабатларни давом эттириш ва жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича Сиз амалга ошираётган ишларни юксак баҳолайди.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Самарқанддаги учрашувимизни мамнуният билан эслайман. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз Қозоғистон билан Ўзбекистоннинг стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни ўзаро манфаатли асосда чуқурлаштириш ва кенгайтиришга янги туртки беришига ишонаман. Икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлигимиз катта салоҳиятга эга. Биз сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда кенг кўламли

муносабатлар бўйича амалий мулоқотга тайёрмиз. Мамлакатларимиз делегацияларининг сентябрдаги учрашувдан кейин ўтган қисқа вақт ичидаги ўзаро ташрифлари ҳам буни яққол тасдиқлайди.

Янги таҳдид ва хавфларга қарши курашда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида Қозоғистон бундан буён ҳам Марказий Осиёда самарали ҳамкорлик асоси сифатида мамлакатларимиз ўртасидаги иттифоқчилик ва яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш тарафдори.

Фурбатдан фойдаланиб, мулоқотимизни Остонада давом эттириш ва Сизга қулай бўлган вақтда Қозоғистонга давлат ташрифи билан келишни таклиф этаман.

Муҳтарам Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат ва давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

Нурсултон Назарбоев,
Қозоғистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишончли ғалабангиз билан самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллашдан мамнунман.

Сизнинг ушбу юксак ва айни пайтда масъулиятли лавозимга сайланганингиз Ўзбекистон халқи Сизнинг юрт фаровонлигини муттасил ошириш, жамиятда тинчлик, барқарорлик ва тотувликни янада мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларингизни кенг қўллаб-қувватлаганидан далолат беради.

Тожикистонда Сизни халқларимиз ўртасида дўстлик, яқин қўшничилик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини изчил ривожлантириш тарафдори сифатида яхши билади ва ҳурмат қилади.

Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро самарали ҳамкорлик Шарқнинг буюк мутафаккирлари Жомий ва Навоий замонидан давом этиб келаётган кўп асрлик яқин қўшничилик, дўстлик ва ўзаро ҳурмат ришталари билан боғланган халқларимизнинг туб манфаатларига жавоб беришига ишонаман.

Халқларимизнинг асрлар давомида қарор топган ўзаро муносабатларини сақлаш ва янада ривожлантириш зиммамизга катта масъулият юклайди ва биз Сиз билан биргаликда бу борада барча зарур саъй-ҳаракатларни ишга солишга тайёрмиз.

Муҳтарам Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, Ўзбекистон фаровонлиги йўлида давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятингизга улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик ва

барқарор тараққиёт тилайман.
Ҳурмат билан,
Имомали Раҳмон,
Тоҷикистон Республикаси Президенти

Қутловлар келиши давом этмоқда.

**Франциялик журналист ИШИД ичига кириб олиб, жангарилар
ҳаётини ҳужжатли фильмда тасвирлади**

Франциялик журналист бўлажак худкушлар тайёрланадиган гуруҳга ўғринча кириб олди. Уч ой давомида у ИШИД номидан Францияда амалга ошириладиган террорчилик ҳаракатларини режалаштириш жараёнини яширин равишда видеокамера орқали тасвирга олди. Бу ҳақда РИА Новости хабар бермоқда.

Довюрак журналист Саид Рамзий тахаллуси билан “Оллоҳ аскарлари” номли ҳужжатли фильм учун журналистик суриштирув олиб борган. У фильмда ёш жиҳодчиларнинг аслида кимлигини кўрсатмоқчи бўлган. Фильм намойиши 2 майга мўлжалланган.

“Менинг мақсадим – улар нималарни ҳис қилаётганларини тушуниш эди”, - дейди у Франс Пресс агентлигига берган интервьюсида.

“Менда энг катта таассурот қолдирган жиҳат шу бўлдики, уларнинг хатти-ҳаракатларида ҳеч қандай Ислом дини белгилари кўринмасди. Уларда яхшилик қилишга интилиш, дунёни яхши томонга ўзгартириш истаги йўқ эди. Шунчаки йўлдан адашган, ғамгин, умидсиз, ўзлигини йўқотган, ўзини ўлдиришга мойил, осон бошқариладиган саросимадаги ёш йигитлар”, - бўлишди Рамзий.

Рамзийнинг айтишича, радикаллар билан ижтимоий тармоқлар орқали мулоқотга киришиш осон бўлган. Шундан кейин у ҳар доим уларнинг лагерида юрган. Бир куни номаълум аёл унга тунги клубларнинг бирига ҳужум амалга ошириш тўғрисида кўрсатмалар ёзилган мактуб беради. Режа амалга оширилгунча эса, гуруҳ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қўлга олинади ва уларнинг ёмон режаси бартараф этилади.

Ахборот соати раҳбари

Тугалов А